O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил 26 январь ШАНБА • № 7 (12.018)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

www.th.uz

Истиқбол лойиҳалари

## КЕЛАЖАК БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

**ҲАР қандай жамият ва давлат маълум даражада ёшларга, уларнинг ғайрат-ташаббуси, ақлидроки ва салоҳиятига таянади. Шу боис, баркамол ёш авлодни тарбиялаш учун ўқитиш, маънавий-жисмоний чиниқтириш, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик туйғуларини улар онги ва шуурига сингдириш ҳамиша долзарб масала бўлиб қолаверади. Таълим-тарбия иши унинг негизини ташкил этади.**

Юртбошимиз вилоят сайловчилари билан учрашувда эркин, обод ва фаровон ҳаёт қуришда замонавий билимларни пухта эгаллаган, халқимизнинг миллий қадриятларини чуқур ўзлаштирган йигит-қизларни тарбиялаш янгиланаётган жамиятимизда ғоят масъулиятли вазифа эканлигини яна бир бор таъкидлади.

Хўш, мустақиллик йилларида таълим соҳасида вилоятимизда қандай ўзгаришлар юз берди? Яқин ўтмишда таълим соҳаси қандай аҳволда эди-ю, унинг бугунги даражаси қандай? Тармоқдаги ислоҳотлар нима берди? Уни ривожлантириш истиқболлари қандай?

Бугун вилоятимиздаги 891 та мактабда 484 мингдан зиёд ўқувчи таълим-тарбия олаётир. Мустақиллик йилларида бу даражага кўтарилиш учун мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ўз эркини қўлга олган мамлакатнинг дастлабки қонунларидан бири бўлганлигининг ўзи янгиланаётган жамият ва давлатнинг бу соҳага қанчалик эътибор қарата бошлаганлигини кўрсатади. Кўп ўтмай, 1997 йилнинг августида Олий Мажлис уни янги таҳрирда қабул қилди ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини тасдиқлади. Улар изчил амалга оширилиши натижасида таълим тизимида қуриш-тиклаш ва таъмирлаш ишлари қизғин тус олди. 2003 йилнинг ўзида 6570 ўринли 27 та янги мактаб ва қўшимча синф хоналари қурилди, 162 та мактаб, 61 та мактабгача ва 2 та мактабдан ташқари таълим муассасалари тўла таъмирланди.

Бу ишларнинг кўлами ва аҳамиятини тасаввур этиш учун яқин ўтмишга назар ташлашнинг ўзи кифоя. Айтайлик, 1990-1991 ўқув йилида болалар шаҳар ва туманларимиздаги 812 та мактабда билим олишган.

– Ўша пайтларда мавжуд мактабларнинг 52 фоизи 60-70 йил илгари қурилган ёки мослаштирилган биноларда жойлаштирилган эди, – дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Анвар Зокиров. – Айрим ҳолларда дала шийпонлари, хўжаликларнинг идоралари мослаштирилиб, уларда 160-240 ўринли мактаблар ташкил этилганлигини яхши эслаймиз. Таълим-тарбия савиясини шундан ҳам кўриш мумкинки, педагог ўқитувчиларнинг 60 фоиздан кўпроғи ўрта махсус, 5 фоизи ўрта маълумотли эди.

Лекин жаҳонга юз тутган Ўзбекистон раҳбарияти Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш жараёнида эришилган натижалар билан кифояланиб қолмади. Бошланган йилнинг узвий давоми сифатида бевосита Юртбошимиз ташаббуси билан «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури» ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги қарори билан тасдиқланди. Давлат умуммиллий дастурига кўра, мактаблар инфратузилмасини тубдан янгилаб, тўла таъмирлаш, мактабларни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминлаш, давлат таълим андозаларини такомиллаштириш, умумтаълим мактабларини малакали педагоглар билан тўлдириш, уларнинг меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш, замонавий бинолар қуриш кўламларини ва мактабларда спорт иншоотларини кенгайтириш вазифалари белгиланди.

Мақсад чин маънода кўламли ва улуғ эди. Шуни таъкидлаш жоизки, уни амалга ошириш, таълим-тарбия ишини узвий тус олдириш умумдавлат, умумхалқ ишига айланди. Буни далилловчи мисоллар жуда кўп. Ҳозиргача 224,2 минг ўқувчи билим олаётган 433 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Бу дастурни бажаришга киришилган йили 13 та мактаб авария ҳолатида эди. Бугунги кунда уларнинг барчаси тўла таъмирланди. Шу муддатда 16 та мактаб биноси бузиб ташланиб, замонавий лойиҳалар асосида янгидан қурилди. Бу ишларнинг катта қисми ҳомийлар маблағи ҳисобидан бажарилди. Умуман, Давлат умуммиллий дастурида кўзда тутилган қурилиш-таъмирлаш мақсадлари учун Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 68 миллиард 39 миллион сўм, маҳаллий ҳокимликлар, ширкат ва фермер хўжаликлари, ҳомий ташкилотлар ҳисобидан 4,5 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. Ҳомийларнинг саъй-ҳаракатлари билан Давлат умуммиллий дастурига қўшимча учта янги мактаб қурилди.

(Давоми 2-бетда).

**ЧИНОЗ туманида вилоят ҳокимлиги ҳамда унинг қошидаги «Ягона буюртмачи» инжиниринг компанияси ҳамкорлигида қурилиш ташкилотлар раҳбарлари учун семинар ташкил этилди.**

**Семинарни вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Зиёвуддин Ниёзов олиб борди.**



## ПОЙДЕВОРИ МУСТАҲКАМ ИМОРАТ КЎРКАМ БЎЛАДИ

Унда давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоят давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси, архитектура ва қурилиш бошқармаси, шаҳар ва туман ҳокимларининг қурилиш бўйича ўринбосарлари ҳамда қурилишга дахлдор кўчма механизациялашган колонналар раҳбар ва мутахассислари иштирок этишди.

– Вилоятда қурилишда замонавий технологияларни қўллаш бўйича бой тажриба тўпланди, – деди вилоят «Ягона буюртмачи» инжиниринг компанияси раҳбари Аваз Рашидов. – Биз аллақачон «узоқ муддатли қурилиш»дан воз кечганмиз. Эндиликда иншоотлар белгиланган муддатда ва сифатли қурилмоқда.

Иштирокчилар қурилиш ишлари сифатини ошириш, объектларни белгиланган муддатдан кечиктирмай топшириш ҳамда бинокорлик ашёларига талабни кучайтириш каби муҳим масалаларни қизғин муҳокама қилдилар. Жойларда қурилиш жараёнларига совуққонлик билан муносабатда бўлинаётгани ва бу қандай хунук оқибатларга олиб келаётганлиги аниқ мисоллар орқали таҳлил қилинди.

– Тўғрисини айтсам, бу семинар қурилишда бурилиш ясашига шубҳа йўқ, – деди Чиноз туманидаги «33-кўчма механизациялашган колонна» раҳбари Аҳмадали Худойбердиев. – Қурилишни қачон бошлаб, қачон тугатиш, муҳандислик коммуникацияларини қандай таъмирлаш каби ишларни эндиликда янги технологиялар асосида амалга ошириш талаб этилади.

Вилоят миқёсида илк бор ташкил этилган ушбу семинарни бундан буён анъанавий равишда ҳар икки ҳафтада бир марта ўтказиш тўғрисида келишиб олинди.



**Хуршида НАЗАРОВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

СУРАТЛАРДА: семинар ишидан лавҳалар.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

Ўқув

## ХАВФСИЗЛИК ОМИЛЛАРИ

**ТОШКЕНТ-ЎШ автомобиль йўлининг вилоятимиз ҳудудидаги қисмида махсус тактик ўқув машқлари ўтказилди.**

Мазкур ўқув-амалий машғулотлар Қамчиқ довонида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масаласига бағишланди.

– Бу жараёнда учта ўқув-машқ нуқталари ташкил этилди, – деди вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи Журъат Шарипов. – Машғулотларда ходимларимизнинг фавқулодда вазиятларни бартараф этиш вақтида бошқарув ва алоқани ташкил этиш, кучли таъсир этувчи заҳарли моддаларни ташувчи автотранспортлар билан содир бўлган йўл транспорт ҳодисаси ва атроф-муҳитга заҳарли модда тарқалиши оқибатларини бартараф этиш, дала шароитида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш борасидаги кўникмалари пишитилди.

Машқ давомида Ангрен шаҳар ва Оҳангарон тумани фуқаро муҳофазаси хизматлари ҳамда куч воситаларини фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишга тайёргарлиги амалий синовдан ўтказилди. Белгиланган барча вазифалар тўлиқ амалга оширилиб, кўзланган мақсадларга эришиш таъминланди.

**Саид ҲАСАНОВ.**

## ТУРИ КЎПАЙДИ, СИФАТИ ОШДИ

**КИЧИК бизнесни ривожлантиришда тижорат банклари томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар қўл келмоқда.**

«Микрокредитбанк»нинг вилоят филиали Янгийўл туманидаги «Расулов Г.И» масъулияти чекланган жамияти бизнес лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун йиллик 7 фоиз устамаси билан 24.6 миллион сўм кредит ажратди.

Энди бу ерда ёғоч хом ашёсидан турли ўлчам ва кўринишдаги эшик-ромлар тайёрланиб, буюртмачиларга етказилаяпти. Шунингдек, мебелсозлик ҳам йўлга қўйилди. Иш ҳажмининг ошиши билан яна 25 та янги иш ўрни яратилди.

**Ш. ҒАЙРАТОВ.**

Тақдимот

**ИЛГАРИ хабар қилганимиздек, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Экосан» халқаро ташкилоти, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда қурғоқчил минтақаларда қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари халқаро маркази (ИКАРДА) ҳамкорлигида «Она ер ёшлар қўлида» шиори остида ёш фермерлар республика кўрик-танлови эълон қилинган эди.**

## ОНА ЕР ЁШЛАР ҚЎЛИДА

Куни кеча эса Тошкент Давлат аграр университетида «Экосан» халқаро ташкилоти, вилоят ҳокимлиги ҳамда университет жамоаси ҳамкорлигида фермерликни ривожлантиришга қаратилган ушбу танловнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда ҳамкор ва мутасадди ташкилотлар вакиллари, 150 дан зиёд фермер, қишлоқ хўжалиги соҳаси олим ва мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

– Бугун юртимизда 22 мингдан зиёд ёш фермерлар фаолият юритмоқда, – деди «Экосан» халқаро ташкилоти президенти, кўрик-танловни ўтказиш республика ташкилий қўмитаси раиси Юсуфжон Шодиметов. – Ҳар бир фермер замонавий илм-фан ютуқлари билан танишиш имконига эга бўлиши, янги агротехник усуллар ва техника воситаларидан самарали фойдаланиши ҳам иқтисодий, ҳам экологик нуқтаи назардан давр талаби бўлиб қолмоқда. Уюштирилаётган танлов ана шу талабни қондиришда қўл келиши шубҳасиз.

Учрашувда таъкидландики, танлов ғолиблари экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқарган, қишлоқда маданий-маиший инфратузилмаларнинг ривожига ҳисса қўшган, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида чиқиндисиз, экологик тоза инновацион технологиялардан самарали фойдаланган, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга эришган, ер, сув, энергетик ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланган, фермер хўжалигида фаолият юритаётган ишчиларга қулай шарт-шароит яратган, деҳқончилик, мева-сабзавотчилик ҳамда чорвачилик йўналишларида энг яхши ёш фермер номинациялари бўйича аниқланади.

– Бу танлов фермерлик ҳаракатини янада юқори босқичга кўтариши шубҳасиз, – деди Оққўрғон туманидаги «Т. Ислом» фермер хўжалиги раҳбари Ислом Турсунбоев. – Шахсан мен бу танловда қатнашишга қарор қилдим. Бу менга, нафақат хўжалигимнинг жадал ривожланишига, қолаверса, ҳақиқий фермер қиёфасига эга бўлишимга ёрдам беради.

Учрашувда ёш фермерларга замонавий фермер хўжаликларининг ташкилий-иқтисодий асослари бўйича амалдаги меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатларнинг шарҳлари, бир қатор қишлоқ хўжалик экинларини парваришлашнинг илғор агротехникалари, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ер ва сувдан самарали фойдаланиш бўйича етакчи олимлар тайёрлаган қўлланмалар тарқатилди.

**Ҳуррият МЎМИНОВА.**

## БИР ҚИСМИ ЭКСПОРТГА

**БУГУНГИ кунда Қибрай туманида 38 та қўшма корхона фаолият юритмоқда. Яқин орада улар яна биттага кўпаяди.**

Байтқўрғон қишлоғининг «Навбаҳор» маҳалласида «Алпин-текс» ўзбек-турк қўшма корхонаси барпо этилмоқда. Яқинда бу ерга хориждан 151 минг АҚШ доллари эвазига 151 дона замонавий тикув машиналари келтирилди.

– Қурилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етгач, корхонада бозор талабларига жавоб берадиган трикотаж маҳсулотлари тайёрлашга киришилади, – дейди таъсисчилардан бири Меҳмет Нажи Акар. – Корхонада тикилган кийим-кечакларнинг бир қисмини экспортга чиқариш кўзда тутилган.

Энг муҳими, корхона ишлай бошлагач, камида 160 та янги иш ўринлари яратилади.

**Алишер РАҲМАТОВ.**

2008 йил учун обуна давом этмоқда

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси - 205.





## БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК – УМУМИНСОНИЙ БУРЧ

**ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Болалар жамғармаси, Ички ишлар вазирлиги, Халқаро меҳнат ташкилоти ҳамкорлигида вилоят маънавият-тарғибот марказида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бағишланган семинар-тренинг ўтказилди.**

Семинарда асосан вилоят ички ишлар бошқармасининг вояга етмаганлар орасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи инспекторлари ва бошқа жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Икки кун давом этган семинар-тренинг қатнашчилари ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди, таклифлар киритишди.

– Болалар руҳияти у яшаётган муҳитга боғлиқ, – деди Ангрен шаҳар ички ишлар бўлими ходими Ботирали Эшмирзаев. – Муҳитни эса, жамоатчилик яратади. Маҳаллалар, «Камолот» ташкилоти, ўқув-таълим муассасалари билан ҳамкорликда иш олиб бориш кутилган натижани беради, албатта. Муҳими, болаларнинг кўнглига йўл топа олиш, қўпол муомаладан эҳтиёт бўлиш лозим.

– Бугунги семинар-тренинг жуда қизиқарли ўтди, – деди Олмалиқ шаҳар ички ишлар бўлимининг гуруҳ раҳбари Баҳодир Рустамов. – Таклифим – бундай тадбирларда халқ таълими бўлими ходимлари ҳам иштирок этса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

– Вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда, айниқса, халқ таълими бўлими, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга, – деди Бекобод туман ички ишлар бўлимининг ходими Абдували Ҳасанов. – Уларга тўғри йўл-йўриқ кўрсатиш учун маҳаллалардаги кекса отахон ва онахонлар билан бамаслаҳат иш олиб борамиз. Бугунги семинар-тренинг, тарқатилган ўқув-услубий қўлланмалар кейинги фаолиятимизда ўз натижасини бериши шубҳасиз.

– Болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги ғамхўрликлар давлатимизда инсон омили устувор эканлигини яна бир бор тасдиқлайди, – деди вилоят болалар жамғармаси раиси Барно Жабборова. – Вояга етмаганлар билан ишлашда, улар содир этадиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ана шу эътибор ва ғамхўрликнинг аҳамияти катта.

Аслида пойдевори мустаҳкам иморат кўркам ва чидамли бўлади. Ўсмирлик ёшида ташқи муҳит таъсирига берилувчанлик кучли бўлиши боис ўзларига боғлиқ бўлмаган вазиятларда жавобгарликка тортилган болаларда руҳият ҳам мўрт бўлади. Зеро, билмасдан йўл қўйилган хато вақтида тузатилса, у такрорланмайди. Демак, яхшиликка, эзгуликка ишонтириш ҳар қандай нохушликнинг олдини олиши шубҳасиздир.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

СУРАТЛАРДА: семинар-тренингдан лавҳалар.

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

